

RISK MANAGEMENT IN EMERGENCIES**Tinibekov M.Kh.****Razhabov O.R.**

Teachers of FMI at the Academy of Emergency Situations of the Republic of Uzbekistan

Abstract: The article identifies the main factors and the main threats to life safety of the population, and analyzes the methods of determining and achieving acceptable levels of risks.

Keywords: Emergency Situation, Threat, Risk, Vitality.

ФАВКУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА ХАВФЛАРНИ БОШҚАРИШ**Тинибеков М.Х.****Ражабов О.Р.**

ЎзР ФВВ Академияси ҳузуридаги ФМИ ўқитувчилари

Аннотация: мақолада аҳоли ҳаёт хавфсизлигига таҳдид солувчи асосий омиллар ва асосий таҳдидлар ёритилиб, хавфларнинг мақбул даражаларини белгилаш ва уларга эришиш усули таҳлил қилинган.

Аннотация: в статье обсуждены основные факторы угрожающие безопасности жизни, оценка её уровня, а также пути достижения приемлемых уровней рисков.

Калит сўзлар: фавкулодда вазият, хавф, таҳдид, ҳаёт фаолияти.

Ключевые слова: чрезвычайная ситуация, угроза, риск, жизнедеятельность.

Аҳоли ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш ҳар бир мамлакат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Аҳоли ҳаёт хавфсизлиги деганда аҳолини табиий, техноген ва биологик таҳдидлардан, ёнғин хавфидан, сув объектлари билан боғлиқ таҳдидлардан, шунингдек, ҳарбий ҳаракатлар пайтида ёки ушбу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавфлардан ҳимоя қилиш ҳолати тушунилади.

Республикаимиз ҳудудида ёнғин-портлаш хавфи бўлган объектлар, кимёвий хавфли объектлар ҳамда гидротехника иншоотлари кўплаб миқдорда бўлиб, улар хавф солиши мумкин бўлган ҳудудларда аҳолининг катта қисми яшайди. Бундан ташқари сейсмик фаол бўлган ҳудудларда ҳам аҳоли зич жойлашган. Содир бўлиши мумкин бўлган табиий ва техноген фавкулодда вазиятлар аҳоли ҳаёти ва саломатлигига катта зарар етказиши мумкин. Бунга биринчи навбатда, охириги пайтларда асосий фондлар қиймати юқори бўлган ишлаб чиқариш қувватларининг чекланган ҳудудларда жамланиши, ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуалари ташкил этилиши, энг асосийси аҳоли зичлиги юқори ва инфратузилмаси яхши ривожланган аҳоли пунктларида потенциал хавфли объектларнинг жойлашиши бўлиб қолмоқда.

Бундан ташқари саноатнинг жадал ривожланиши, илм-фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жадал жорий этиш, саноат объектлари инфратузилмасининг мураккаблашиши аксарият ҳолларда ёнғиндан ҳимоя қилиш даражасидан ошиб кетади ва ёнғинлар сони ва улар натижасида етказилган зарарнинг кўпайишига олиб келади [1]

Аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиши, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва ўсимликлар орасида кенг тарқалиши мумкин бўлган юқумли касалликлар аҳолининг санитар-биологик ҳолатига таҳдид солади.

Шу билан бирга, ҳозирги босқичда хавфли ва ўта хавфли юқумли касалликларнинг кириб келиши, пайдо бўлиши ва тарқалиш хавфи давом этаётганлиги сабабли мамлакат аҳолисининг биологик хавфсизлигини таъминлаш муаммосини ҳал этиш зарурати туғилмоқда. Хавфли юқумли

касалликларнинг доимий табиий ўчоқларининг мавжудлиги бутун дунёда ноқулай санитар-эпидемиологик вазиятни юзага келтирмоқда.

Мамлакатимизда дам олиш учун жозибали жойлар бўлган жуда кўп сув ҳавзалари мавжуд. Аҳолининг дам олиш учун сув ҳавзаларидан назоратсиз интенсив фойдаланиши аҳоли ҳаёти ва соғлиғига зарар етказувчи жароҳатлар, бахтсиз ҳодисалар юзага келиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Сув ҳавзаларида аҳолининг ҳаёт хавфсизлигига таҳдидларнинг манбалари одамларнинг сув ҳавзаларида ўзини тутиш қоидаларини ва ёзда кичик қайиқлардан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳисобланади.

Афғонистондаги беқарор вазият қуролли можаролар хавфини орттиради. Бу ҳарбий ҳаракатлар оқибатида келиб чиқадиган фавқулодда вазиятларга сабаб бўлиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бугунги кунда табиий, техноген, биологик таҳдидлардан, сув объектларидан фойдаланишдан келиб чиқадиган таҳдидлардан, хавфли ёнғинлардан, шунингдек, ҳарбий ҳаракатлар натижасида юзага келадиган хавфлардан муҳофаза қилиш давлат сиёсатига айланиши лозим.

Бироқ, ҳозирги кунга қадар аҳоли ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш ишларини режалаштириш учун ҳуқуқий, иқтисодий, муҳандислик-техникавий кўрсаткичлар ишлаб чиқилмаган. Ҳаёт хавфсизлиги даражасини баҳолаш имконини берадиган мезонлар белгиланмаган ва жорий этилмаган.

Чет эл ҳамда маҳаллий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, аҳоли ҳаёти хавфсизлиги даражасини аниқлаш, шунингдек, аҳоли ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш соҳасида асосли қарорлар қабул қилиш учун хавф кўрсаткичларидан фойдаланиш энг истиқболли ҳисобланади. Шуни тушуниш керакки, аҳоли ҳаёти хавфсизлигининг зарур даражасини таъминлаш хавфнинг мақбул даражасини белгилаш ва унга эришиш билан боғлиқ.

Хавфнинг мақбул даражасига эришиш – бу хавфни бошқариш жараёни бўлиб, у ташкилот ёки умуман мамлакат раҳбарияти учун фавқулодда вазият хавфини камайтириш мақсадида фавқулодда вазиятлар хавфини қабул қилинган даражада ёки қабул қилинган ораликда ушлаб туриш, камайтириш бўйича келишилган ҳаракатларни амалга оширишдир. Бу ишларни амалга ошириш учун ҳозирги замонда долзарб бўлиб турган замонавий технологиялардан фойдаланиш лозим. Бундай технологиялардан бири фавқулодда вазият хавфини рақамли қийматда белгилаш ҳисобланади [4].

Фавқулодда вазиятларнинг рухсат этилган индивидуал хавфини рақамли қийматда белгилаш учун асос бўлиб, хавфли омиллар таъсирида аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиш эҳтимолини тавсифловчи рухсат этилган (қабул қилинган) хавф даражаларини асослаш соҳасидаги фундаментал илмий тадқиқотлар натижалари хизмат қилади. Ушбу илмий тадқиқотлар субъектлар ва ҳудудлар учун рухсат этилган (қабул қилинган) хавф даражасини белгиловчи омилларга асосланган таклифларга, илмий ва жамоатчилик муҳокамасига ва жамоатчилик муҳокамаси натижаларига асосланиши лозим [2].

Ҳудудларнинг хавф даражасини баҳолашга имкон берадиган ягона методология, қоидалар ва тартибларни ишлаб чиқиш ва ўрнатиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун амалга ошириладиган фаолиятнинг асосий йўналишлари қуйидагилар бўлиши лозим:

а) ҳудудлар учун хавфларни баҳолашнинг илмий ва услубий асосларини (методологиясини) ишлаб чиқиш борасида илмий тадқиқотлар ўтказиш, кенг жамоатчилик ўртасида уларни муҳокама қилиш;

б) меъёрий ҳужжат билан, белгиланган тартибда ҳудудлар учун хавфни баҳолаш қоидалари ва тартибини, шунингдек, усулларини тасдиқлаш;

в) муайян ҳудудларда аҳоли ҳаёти хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишларини белгилашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш;

д) ёнғин хавфсизлиги, фуқаро муҳофазаси ва фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида хавфларни мустақил баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш.

Хавфларни бошқариш усуллари бошқарув даражасига қараб сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин, хусусан, глобал миқёсда маълумотларни умумлаштириш, тартибга солиш, ташкиллаштириш

ишлари амалга оширилса, объект даражасида асосан фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишга қаратилган аниқ муҳандислик-техник дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш керак бўлади [3].

Шундай қилиб, юқорида келтирилган тавсиялар мамлакатнинг ривожланишига таъсир кўрсатадиган хавф-хатарларни башорат қилиш ва баҳолаш учун асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. О.Йулдошев “Техноген цивилизациянинг ижтимоий ҳдётдаги салбий оқибатларини бартараф этиш масалалари” Тошкент давлат юридик университети, Тошкент, 100047, Ўзбекистон.
2. А.Ф. Хоруженко, Н.В. Твердохлебов, М.Е. Норсеева “Совершенствование некоторых научно-методологических подходов к обеспечению безопасности населения при чрезвычайных ситуациях”. Технологии гражданской безопасности, 2012.
3. И.В. Сосунов, И.Ю. Олтян, А.В. Верескун, В.В. Крапухин “Управление риском чрезвычайных ситуаций как составная часть обеспечения безопасности жизнедеятельности” Технологии гражданской безопасности, 2015.
4. А.Н. Зеленина, А.В. Беженев. “Исползование практических навыков компьютерной графики для выполнения плана эвакуации при пожаре” <https://cyberleninka.ru/article/n/>.